2009 йил 26 август, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 168 (11.479)

Баҳоси эркин нархда

## ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 25 август куни Сурхондарё вилоятида бўлди.**

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар, таълим ва тиббиёт муассасалари, боғ ва хиёбонлар бунёд этилаётир.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ҳам барқарор ўсиш таъминланди.

Истиқлол шарофати билан Сурхондарё мамлакатимизнинг саноати ривожланган вилоятларидан бирига айланди. Маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми ошмоқда. Саноат корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш давом этаётир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ, воҳадаги экспорт қилувчи корхоналарнинг қўллаб-қувватланаётгани уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Вилоятда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2007-2010 йилларда умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши бугунги кунда ишончли транспорт алоқасини таъминлаётир.

2007 йилда қуриб битказилган "Тошгузар — Бойсун-Қумқўрғон" темир йўл линияси бу борада амалга оширилган улкан ишларнинг ёрқин намунасидир. Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами арафасида ушбу темир йўлда муҳим янгилик рўй берди — йўловчи поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Президентимиз дастлаб Термиз давлат университетининг янги бунёд этилган асосий биносига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мазкур олий ўқув юртида янги ўқув биносига тамал тоши қўйилганди. Муҳташам бинони бош пудратчи "Сантехгазмонтаж" хусусий корхонаси қурувчилари қисқа вақт ичида бунёд этиб, энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг 18 йиллигига муносиб совға ҳозирлади.

Юртбошимиз бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, талаба ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароит билан танишди. Университет ўқитувчилари, талаба-ёшлар билан суҳбатлашди.

— Сурхон воҳасининг ёшлари ҳам ҳеч кимдан кам эмас. Улар ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқариши учун барча шароитларни яратиш зарур, — деди Ислом Каримов. — XXI аср — интеллектуал аср. Кимки юксак марраларга эришмоқчи бўлса, қайси бир давлат тараққий этиб, халқаро майдонда кенг эътироф қозонмоқчи бўлса, аввало, ўзининг интеллектуал салоҳиятини ишга солиши ва юксалтириши керак. Халқимизда азалдан илмий тафаккур, кенг дунёқараш, маънавий комиллик юксак даражада бўлган. Соҳибқирон бобомиз, кучли бирни, илмли мингни енгади, деб бежиз айтмаган.

Термиз давлат университетининг ўн факультетида 30 таълим йўналиши бўйича 7 минг 866 нафар талаба таълим олади. Уларга 506 нафар профессор-ўқитувчи сабоқ беради. Бу йил ушбу олий таълим муассасасини 1 минг 862 талаба битирди.

Университетда учта талабалар турар-жойи, санаторий-профилакторий, ахборот-ресурс маркази, компьютер ва тил ўргатиш марказлари фаолият юритмоқда.

Археология, этнография каби йўналишларда ҳам таълим бериладиган ушбу олий ўқув юрти, Президентимиз таъбири билан айтганда, ўз мазмун-моҳияти билан ноёб университет саналади. Янги бино ғоят муҳташам, ўқув жиҳозлари ва таълим жараёнида фойдаланиладиган энг замонавий техник воситалар билан тўла жиҳозланган. Бундай бунёдкорлик ишлари ёшларни янги марралар сари ундаши алоҳида қайд этилди.

— Пухта билим ва юксак салоҳиятга эга, жисмоний ва маънавий соғлом инсонда ғурур ва ифтихор баланд бўлади, — деди Президентимиз. — Ўзбекистон ёшлари айнан ана шундай. Улар жамиятимизнинг таянчи ва суянчи бўлиши, истиқболда ҳал қилувчи кучига айланиши керак.

Ислом Каримов Сурхондарё воҳаси бой археологик ва этнографик манба эканини таъкидлаб, бу икки соҳани халқаро миқёсда тарғиб этиш мақсадга мувофиқ эканини қайд этди.

Юртбошимиз ҳаким Термизий меъморий мажмуини зиёрат қилди.

Мамлакатимизда барча жабҳалар қатори маънавият-маърифат соҳасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Тарихий обида ва буюк аждодларимиз қадамжолари ободонлаштирилмоқда. Уларнинг бой маданий мероси чуқур ўрганилмоқда.

Буюк аллома ҳаким Термизий хоки абадий қўним топган меъморий мажмуа IX аср охири — X аср бошларида барпо этилган. Аллома ислом маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Олимнинг илмий ва маънавий мероси чуқур ўрганилмоқда. Истиқлол йилларида мажмуа тўлиқ таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Зиёратчилар учун барча шароит яратилди. Бу ерда барпо этилган "Мерос" музейи ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Мамлакатимиз раҳбари мажмуанинг маданий ва маънавий аҳамияти нечоғли катта экани ҳақида сўзлар экан, унинг атрофини ободонлаштириш, ташқи қиёфасини янада кўркамлаштириш учун Сурхондарё иқлимига мос дарахтлар ўтқазиш, кўкаламзорлаштириш борасида зарур тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Термиз туманидаги "Асадбек Давлатов" фермер хўжалиги далаларига ташриф буюриб, фермерлар билан мулоқотда бўлди.

Мазкур фермер хўжалиги жорий йилда 31,8 гектар майдонда ғалла парваришлаб, ҳар гектар майдондан 72,6 центнердан хирмон кўтарди. Айни кунларда 47,7 гектар майдонда "Наманган-77" навли ғўза парваришланмоқда.

— Пахтачиликда август ойи ҳосил тақдирини ҳал қилувчи палла ҳисобланади, буни тажрибали миришкорларимиз яхши билишади, — деди Ислом Каримов. — Кўклам серёғин келгани пахтакорларимизга бирмунча қийинчиликлар келтирган бўлса-да, улар ўз маҳорати ва меҳнати билан барча қийинчиликларни енгиб, мўлжалдаги ҳосилни тўпламоқдалар. Галдаги муҳим вазифа етиштирилган ҳосилни вақтида йиғиб-териб олишдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **"Ўзбекистон Қаҳрамони"** унвони берилиб, олий нишон — **"Олтин юлдуз"** медали топширилсин:

**Иброгимов Комил** — "Навоий иссиқлик электр станцияси" очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш техника бўлими смена бошлиғи, Навоий вилояти

**Нарзиев Тўра Икромович** — "Аму-Бухороканалқурилиш" акциядорлик жамиятига қарашли 4-кўчма механизациялашган жамланма экскаваторчиси, Бухоро вилояти

**Туйчиев Алим Исмаилович** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрда пўлат эритиш цехи эритувчиси, Тошкент вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 25 август*


Иброгимов Комил


Нарзиев Тўра Икромович


Туйчиев Алим Исмаилович

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.**

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:*

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ»

**Абдураҳимова Феруза Равшановна** — "Сўғдиёна" ўзбек халқ чолғулари давлат камер оркестри бадиий раҳбари

**Назиров Хуршид Абдуллаевич** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрачи рассом

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ»

**Бекчанова Меҳрижон Ғуломовна** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

**Ражабов Авазхон Акбарович** — Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри опера солисти

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ»

**Асқаров Аъзамхўжа Исматович** — Ўзбекистон Бадиий академияси махсус жамғармаси раиси, бадиий кулолчилик ва шиша бўйича рассом

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ»

**Ғаниев Ҳусан Ваҳобович** — "Устозода" халқ санъати усталари корхонаси ёғоч ўймакор устаси

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Республика олима аёллар уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилган илмий-амалий конференцияда фан-техника тараққиётида олима аёлларнинг ўрни ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи қошидаги уч йиллик бичиш-тикиш мактаби қатнашчилари иштирокида янги ўқув йилининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

✓ **МИРОБОД** туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида уларни тўгаракларга, курсларга жалб этиш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

✓ **КЕЧА** шаҳримиздаги «Тўйтепа» маҳалласида яқинлашиб келаётган Истиқлол айёми ҳамда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб 12-14 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида у-шу бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Чехия ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.**

● **Фарғона шаҳрида Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талабларини бажариш мақсадида «Омонатлар ва кредитлар» мавзуида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.**

● **Тошкентда «Болаларга беринг дунёни» мавзуида Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган иқтидорли ўқувчилар кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди. Ушбу беллашувда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар саралаш босқичи ғолиблари иштирок этди.**

● **«Камолот» ЁИҲ Бухоро вилоят кенгаши ҳамда ҳаракатнинг шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Юртимни обод этаман» шиори остида ўтказилган икки кунлик ҳашарда 300 дан зиёд ёшлар қатнашди. Ҳашар давомида ёшлар ғайрати билан 1,5 гектар майдонга эга «Фитрат» боғида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, «Камолот» боғи ва «Руҳшобод» боғлари ҳам сўлим гўшаларга айлантирилди.**

● **«Наманган шарбати» қўшма корхонасида янги технология ўрнатилиб, ишга туширилгач, бир кеча-кундузда ўнлаб тонна мевани қайта ишлаш имконияти юзага келди. Корхона мутахассислари Россия ва МДҲнинг бошқа бир қатор давлатлари билан шартнома тузган бўлиб, ҳозиргача 100 тоннадан ортиқ маҳсулот Қозоғистондаги харидорларга жўнатилди.**

● **Жиззах вилояти «Маҳалла маркази»да бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда вилоятдаги 500 дан ортиқ корхона ва ташкилот 3 мингдан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Тадбир якунида 1566 нафар кишига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.**

● **Хива шаҳрида «Энг намунали оила» кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидан ёш оилалар иштирок этди. Танлов қатнашчилари бадиий чиқишлар ва уй-рўзғор ишлари борасидаги маҳоратларини кўрсатишди.**

### ЖАҲОНДА

● **Бағдод Ироқда амалга оширилган ҳарбий жиноятларни кўриб чиқиш учун халқаро трибунал тузилишини талаб этмоқда.**

● **Кеча Приштинда албан жангарилари Европа Иттифоқи миссиясига ҳужум уюштиришди. Жангариларнинг кўпчилиги ҳибсга олинди. Жангарилар Европа Иттифоқи миссияси Сербия билан битим имзолагани учун шундай ҳаракатларни амалга оширганлар.**

● **АҚШнинг «Дискавери» кемаси двигателидаги носозликлар сабабли космик кеманинг навбатдаги парвози номаълум муддатга кўчирилди.**

● **Махсус комиссиянинг дастлабки хулосаларига кўра шу йил 17 августда Саян-Шушен ГЭСидаги йирик аварияга улкан гидроагрегатлардан бирининг ишдан чиққанлиги сабаб бўлганлиги айтилмоқда. Кеча қидирув ишлари натижасида ГЭС ходимларидан яна икки нафарининг жасади топилди ва шу тариқа авария қурбонларининг сони 71 тага етди.**

● **АҚШ Марказий разведка бошқармаси томонидан маҳбусларни тергов қилиш чоғида қийноқ усулларининг ишлатилганлигини ўрганиш учун махсус прокурор тайинланди. Бундай қарор разведка ташкилоти маҳбусларга қарши шафқатсиз ва инсонларга хос бўлмаган усулларни ишлатгани тўғрисидаги ахборотлар кўпайиб кетганидан сўнг қабул қилинди.**

● **Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган савдолар чоғида «қора олтин» нархининг бирмунча пасайганлиги кузатилди. Жумладан, Лондон биржасида бир баррел нефтнинг нархи 71,82 долларни ташкил этган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич 72,02 доллардан иборат бўлди.**

● **Хитойнинг Шанси музофотидаги конлардан бирида газнинг портлаб кетиши оқибатида 11 киши ҳалок бўлди, уч киши эса бедарак йўқолди. Ҳозирча кўнгилсиз воқеа сабаблари аниқланмаган.**

● **Атлантика океанида «Билл» тўфони вужудга келиб, АҚШнинг Мэн штатига мазкур табиий офат катта зарар келтирган. Хусусан, тўфон туфайли юзага келган тўлқинлар оқибатида соҳил яқинида яшовчи хонадонларга зарар етган, бир киши ҳалок бўлган.**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҲОФИЗИ»

**Ниёзов Сойибжон Наврўзович** — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси "Мақом" ансамбли хонандаси

**Сафаров Орол Абдуманнонович** — Тошкент давлат маданият институти катта ўқитувчиси, ҳофиз

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

**Абдулакова Матлуба Абдуллаевна** — "Офарин" замонавий рақс театри балетмейстери

**Жданов Дмитрий Юрьевич** — Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси давлат хор капелласи бадиий раҳбари ва бош дирижёри

**Исмияминова Дилноза Мирзатиллаевна** — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

**Раҳимов Санжар Мираҳмедович (Сардор Раҳимхон)** — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

**Турғунов Тоҳир Мирҳосимович** — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси "Мақом" ансамбли созандаси

**Хайриддинова Сайёра Мирсоатовна** — Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри опера солисти

**Цой Зоя Николаевна** — Республика мусиқа коллежи ўқитувчиси, эстрада хонандаси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

**Колемасов Алексей Николаевич** — Республика Олимпия захиралари коллежининг мураббий-ўқитувчиси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

**Кузметова Хулкар Ёрбековна** — «Маърифат» газетаси бўлим муҳаррири

**Тошбоев Олим Шоймович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

**Одилов Жаҳонбек Жўраевич** — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи бош рассоми

**Жамолова Дилдора Абдуваҳобовна** — В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директори

**Мадраҳимов Алишер Арслонович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston" телеканали "Мусиқий дастурлар" студияси режиссёри

**Маҳмудов Мавзур Мансурович** — "Ўзбекфильм" киностудияси мультбирлашмаси постановкачи-режиссёри

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

**Нажмиддинова Дилбар Қамариддиновна** — Тошкент тиббиёт академияси илмий ишлар бўйича проректори

**Йўлдошев Фурқат Абдисодиқович** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази анестезиология-реанимация бўлими катта илмий ходими

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

**Лебедь Петр Леонидович** — Теннис бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси катта мураббийи

**Убайдуллаев Аҳмаджон Иноятович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»

**Эргашев Акмал Анварович** — Таэквондо ВТФ бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Нестеров Игнатий Михайлович** — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

*Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Салимов Олимжон** — Республика ёш томошабинлар театри бадиий раҳбари

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаев Абдурасул Мўминович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканали перспектив телелойиҳалар студияси катта муҳаррири

**Акбархўжаев Аҳрор Акмалович** — "Ўзбекфильм" киностудияси режиссёри

**Зиёдова Дилбар Абдураҳмоновна** — "Ўзбектелефильм" студияси бадиий фильмлар ва телесериаллар ижодий ишлаб чиқариш бўлими мудири

**Исмоилов Маҳмуд Хусанович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Луқмонов Воҳид Ҳабибуллаевич** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири

**Содиқова Маъмура Ғаниевна** — ЎзФА "Фан" нашриёти етакчи муҳаррири

**Саримсоқов Абдушукур Абдухалилович** — ЎзФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Сиров Владимир Николаевич** — ЎзФА ўсимлик моддалари кимёси институти лаборатория мудири

**Ҳамдамов Пўлат** — "Народное слово" газетасининг Наманган вилояти бўйича махсус мухбири

*Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Бобожонова Дилбар Йўлдошевна** — «Uzbekistan Today» газетаси мухбири

**Вишинская Елена Викторовна** — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби концертмейстери

**Зарипова Карима Фахриддиновна** — Республика эстрада-цирк коллежи директори

**Зойиров Илҳом Бафоевич** — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири

**Каримбобоева Шаҳноза Усмоновна** — Тошкент фотосуратлар уйи директори

**Муҳамедов Неъматулло Асатуллаевич** — Тошкент ислом университети "Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО" кафедраси мудири

**Рекк Мария Григорьевна** — Ўзбекистон Республикаси "Видергебурт" немис миллий маданий маркази раиси

**Сатимов Ғафуржон** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети "Инглиз тили грамматикаси ва тарихи" кафедраси профессори

**Толкачёва Нина Егоровна** — Тошкент шаҳар 3-сонли маданият уйи раҳбари

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдураҳмонова Мукаррам Исҳоқовна** — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази микрохирургия бўлими катта ҳамшираси

**Акбаров Баҳром Ҳасанович** — "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири

**Акбаров Ғайрат Қосимович** — Собир Раҳимов туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори

**Акрамова Феруза Акмаловна** — Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Педагогика ва психология" кафедраси доценти

**Аҳророва Сожида Халиловна** — "Ўзбекистон киносанъати музейи" фонди бўлими бошлиғи

**Бобокулова Латофатхон Абулхаевна** — «Овози тожик» газетасининг ҳарф терувчи оператори

**Григорян Ареват Эдуардовна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ёшлар" телерадиоканали "Давр" ахборот дастури муҳарририяти катта муҳаррири, бошловчиси

**Зоирова Зура Наимовна** — Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари

**Изентаев Жарилкаган Жоллибаевич** — Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий кўргазмалар дирекцияси бош директори, рангтасвирчи рассом

**Муҳаммаджонова Феруза Ҳотамжоновна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Тошкент" телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири

**Нишонов Ҳасан Маҳмарайимович** — «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари адабий котиби

**Свечникова Анастасия Владимировна** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси

**Султонова Муборакхон Абдураҳмоновна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг Тошкент радиоэшиттириш уйи оператори

**Тожибоев Хуршид Эргашевич** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Турсунов Қаҳрамон Ражабович** — Тошкент тиббиёт академияси ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти

**Ҳафизов Ильдар Шавкатович** — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Цой Борис** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқовалаш цехи машинисти

**Чашемов Мансурбек Холбоевич** — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Шекерова Мария Александровна** — Дзюдо бўйича ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Юнусова Зулфия Носировна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Ватанпарвар» газетаси мухбири

**Қиёмов Маъмуржон Умирзоқович** — «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси бўлим мудири

**Курбонов Зоир Тоҳирович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ёшлар" телерадиоканали директорининг биринчи ўринбосари

# ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Юртбошимиз мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади. Фермерлар мамлакат равнақи, хусусан, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи кучга айланди.

— Фермер нафақат деҳқон, балки иқтисодчи, менежер, агроном, саноатчи бўлиши лозим, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бугуннинг талаби — шу. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириши ва аҳоли фаровонлигини оширишга, ёшларни иш билан таъминлашга ўзининг фаол ҳиссасини қўшиши лозим.

Президентимиз "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил бажариш қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишда, қишлоқларни обод этишда, қишлоққа саноатни олиб киришда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, замонавий уйлар, янги йўллар, сув, газ ва электр тармоқлари, инфратузилманинг бошқа иншоотларини барпо этиш одамларнинг онгу шуурини, дунёқарашини, ҳаётга муносабатини ўзгартиради, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди, — деди Юртбошимиз.

Мазкур давлат дастурига мувофиқ вилоят қишлоқларида замонавий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқларда 19,1 километр табиий газ, 139,6 километр тоза ичимлик суви қувурлари ётқизилди, 328,4 минг квадрат метр уй-жой қурилди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллигини нишонлаётган юртдошларимиз юз бераётган улкан янгиланишлар, бетимсол бунёдкорлик ишлари, турмушимиз фаровонлиги Истиқлол туфайли эканини теран англайдилар. Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Анвар БОБОЕВ,**
**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Мен ғоят мамнуният ила Мустақиллик куни байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг энг самимий тилакларимни ҳамда Ўзбекистон халқига келгусида фаровонлик ва бахт-саодат йўллаб қоламан.

**Буюк Британия Қироличаси**
**ЕЛИЗАВЕТА II Жаноби Олиялари.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва энг эзгу тилакларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса давомий тараққиёт ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**Икки муқаддас масжид ходими**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**
**Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Саудия Арабистони Валиаҳди,**
**Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари**
**Мудофаа ва авиация вазири,**
**Бош Назоратчи**
**Султон бин Абдулазиз Ол САУД.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни байрами муносабати билан Сизга ва Сиз орқали бутун қардош ўзбек халқига ўз табрикларимни йўллайман.

Сизга самимият ила доимо мустаҳкам соғлиқ ва ҳаётий жўшқинлик ҳамда масъулиятли давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса янада тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Беларусь халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни ва Ўзбекистон Республикаси халқини миллий байрам — Мустақиллик куни билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳурмат ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган кўп томонлама муносабатлар бундан буён ҳам янада мустаҳкамланиши ва ривожланишига ишончим комил.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ ва янада унумли давлат фаолияти, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилаб қоламан.

Эҳтиром билан,

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларусь Республикаси Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг бош миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табригимни қабул этгайсиз.

Биз дўстлик ришталарини юксак даражада қадрлаймиз ва мамлакатимиз учун машаққатли дамларда Сиз кўрсатган ёрдамни ҳеч қачон унутмаймиз. Мустаҳкам пойдеворга эга бўлган ҳамда халқларимиз ўртасида анъанавий дўстлик ва қардошлик алоқаларига таянган Грузия — Ўзбекистон муносабатлари Грузия ва Ўзбекистон Республикаси равнақи йўлида янада мустаҳкамланиши ва ривожланишига ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни яна бир қутлуғ сана — Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрига асос солинганига 2200 йил тўлиши муносабати билан ҳам самимий қутламоқчиман.

Сиз билан тез орада учрашишга ва ушбу мулоқот чоғида биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз орқали мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни янги босқичга олиб чиқамиз деб умид қиламан.

Сизга, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, чин дилдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва олий давлат лавозимидаги фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, биродар ўзбек халқига эса, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**Михаил СААКАШВИЛИ,**
**Грузия Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам жаноб Президент!

Бутунжаҳон ислом маданияти тарихида муҳим ўрин эгаллаган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўз табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларининг таклифларига биноан ўтган йили мамлакатингизга амалга оширган ташрифим давомида Тошкент шаҳрида сақланиб қолган қадим цивилизация руҳияти ва буюк ислом тарихи манзараси мени чуқур ҳайратга солган эди.

Шунингдек, Сиз, Жаноби Олийларининг Араб давлатлари уюшмаси қароргоҳига ташрифингиз ҳамда ташкилотга аъзо барча араб мамлакатларининг вакиллари олдида сўзлаган маърузангиз бизда унутилмас таассуротлар қолдирганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, муҳтарам Президент Жаноби Олийларига, Араб давлатлари уюшмасига аъзо бўлган барча мамлакатлар Ўзбекистон Республикаси билан турли йўналишлар, хусусан, ташкилот ва дўст мамлакатингиз ўртасида имзоланган Англашув меморандуми доирасида турли соҳаларни қамраб олувчи ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан ўта манфаатдор эканлигини маълум қилишдан бахтиёрман.

Муҳтарам Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Амр МУСА,**
**Араб давлатлари уюшмаси**
**Бош котиби.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Жаноб Ислом Каримов,

Яқинда нишонланажак Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Пекин шаҳар халқ маъмурияти ва халқимиз номидан Сизга ва бутун ўзбек халқига самимий табрикларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Тошкент Буюк Ипак йўли кесиб ўтган машҳур тарихий ва маданий марказдир. Сўнгги йилларда Сизнинг раҳбарлигингизда, муҳтарам жаноб Президент, Тошкент иқтисодиёт, аҳоли турмуши даражасини юксалтириш, барқарор ва бағрикенг жамиятни рағбатлантириш каби соҳаларда улкан муваффақиятларга эришди.

Биз бундан бағоят мамнунмиз. Икки давлатнинг пойтахтлари ўлароқ Пекин ва Тошкент сўнгги йилларда дўстона ҳамкорликни ривожлантиришда ижобий натижаларга эришди. Икки давлат муносабатлари ривожини рағбатлантиришда икки шаҳар ўртасидаги алоқаларни узлуксиз мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Биз Сиздан, ҳурматли жаноб Президент Ислом Каримов, икки шаҳар ҳамкорлигига эътибор қаратганингиз ва қўллаб-қувватлаганингиз учун жуда миннатдормиз.

Икки шаҳар халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни узлуксиз мустаҳкамлаб, Тошкент билан алоқалар ва ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек икки давлат муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшиш борасида самимий истакларимизни изҳор қиламиз.

Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий юксалишида улкан ютуқлар ва муваффақиятлар тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ, бахт ва омад тилайман.

Давлатингизга тараққиёт ва куч-қудрат, Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.

**Гуо Цзинь ЛОН,**
**Пекин шаҳри мэри.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тантаналари муносабати билан Сизга ва биродар Ўзбекистон халқига энг эзгу ва самимий тилакларимни йўллаш мен учун улкан ифтихор бахш этади.

Тошкентнинг қадимий цивилизация бешиги ва Марказий Осиёда содир бўлаётган муҳим сиёсий, маданий ва иқтисодий жараёнларнинг маркази экани маълум ва умум эътирофга сазовор бўлган далилдир.

Мен Сизнинг ажойиб мамлакатингизга бир неча бор сафар қилиш шарафига муяссар бўлганман. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир сафарим ўзига хос тарзда кечган. Тошкентдан ҳамиша янги ва янада ёрқин таассуротлар билан қайтганман. Тошкент улкан тарихий меросга эга бўлиб, асрлар давомида минтақада гуллаб-яшнаган иқтисодиёт, маданият ва илм-фаннинг ривожига бемисл ҳисса қўшган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон минтақадаги сиёсий ва иқтисодий ривожланиш маркази сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлаб, бугунги куннинг долзарб масалаларига бағишланган нуфузли учрашувлар, анжуман ва семинарлар ўтказиладиган жойга айланди. Тошкент шунингдек тинчлик ва ҳамжиҳатлик рамзи сифатида ҳам машҳурдир.

Мен «Ҳиндистон — Марказий Осиё» тадқиқот жамғармасининг директори сифатида, Ўзбекистон ҳамда унинг пойтахти тараққиётини катта қизиқиш ва улкан мамнуният билан кузатиб бормоқдаман.

Жаноби Олийлари, бизнинг жамғарма Ҳиндистон — Ўзбекистон дўстлиги ва халқларимиз ўртасидаги самимий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам ўз фаолиятини давом эттиришини Сизга маълум қилишга ижозат бергайсиз. Бизнинг мақсадимиз доимо икки томонлама алоқаларимизни ривожланишнинг янги даражаларига кўтаришдан иборат.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига яна бир бор бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Юксак эҳтиром ила,

**Нирмала ЖОШИ,**
**профессор,**
**«Ҳиндистон — Марказий Осиё»**
**тадқиқот жамғармаси директори.**

# ТОШКЕНТНОМА

## достон-фахрия




### БАҒИШЛОВ

**Ҳар кимнинг ўз юлдузи бор,**
**Муқаддас юлдузим Тошкент.**
**Юрагимда ардоқлаган**
**Ширин-шакар сўзим Тошкент.**

**Куйлай ширин тилим бирлан,**
**Севай мафтун дилим бирлан,**
**Ғиштинг қўйдим қўлим бирлан,**
**Баҳорим – сан, ёзим Тошкент.**

**Истиқлолнинг лоласи,**
**Инжу, гавҳар донаси.**
**Камалак етти рангин,**
**Чеҳрангда зуволаси,**
**Тошкентим –**
**Улуғ кентим.**

**Қароғингда кўргин десанг,**
**Кўз нурингни бергин десанг,**
**Хизматимда тургин десанг,**
**Лаббай дейман ўзим Тошкент.**

**Шаҳарлар кўп – ўзинг танҳо,**
**Ўзинг танҳо – ўзинг аъло.**
**Сен бор, ўчмас асло-асло,**
**Қучоғингда изим Тошкент.**

**Қачон сенга тўйгайман,**
**Севишимни қўймайман.**
**Ўлсам самандар мисол,**
**Сени деб тирилгайман,**
**Тошкентим –**
**Қутлуғ кентим.**

**Шарқ кўксида машъал бўлиб,**
**Юрт бағрида зарҳал бўлиб,**
**Ниятларим амал бўлиб,**
**Оқлай нону тузинг Тошкент.**

**Икки мингдан ошди ёшинг,**
**Истиқлолдир бахт қуёшинг.**
**Тошдан бўлсин шаҳрим бошинг,**
**Шаҳри султон азим Тошкент.**

**Ватаним остонаси,**
**Эзгуликнинг онаси,**
**Бағрида Ҳастимомдек**
**Бебаҳо дурдонаси,**
**Тошкентим –**
**Суюк кентим.**

### ТАЪРИФИГА ТОПУРМАНМИ СЎЗ

Қўлимга қалам олдиму, бир лаҳза ўйга толдим. Ахир, она шаҳрим Тошкенти азимни кимлар мадҳ этмаган. Арабу Ажам, Чину Мочин биладиган, не-не алломаларни бағрида ардоқлаган, ҳамиша ўзини келажакка чоғлаган она шаҳрим кўзу қароғимни Зайниддин Восифий, Мақсуд Шайхзода, Хайриддин Салоҳ, Ғайратий домла-ю Юсуф Шомансур – қўйингки, юрагида илҳоми бор аҳли қалам мадҳ этган. Уларнинг шакар суханлари олдида менинг оҳорсиз сатрларим дилимдаги сувратингни қоғозга кўчира олармикин, онажон шаҳрим?! Ёзмаслик – гуноҳи азим, ёзиш – фарзандлик бурчим. Устозлардан оқ фотиҳа тилаб, шу қутлуғ ишга жазм этдим.

**Мўъжизалар саф-саф бўлади,**
**Кўзларимга олам кулади,**
**Кулган олам нурга тўлади,**
**Орзуларим бўлгай намоён**
**Мен Тошкент деганимда.**

**Гўё жўшиб кетар анҳорлар,**
**Гулбоғларда анқир ифорлар.**
**Қаддин букар баланд минорлар,**
**Бир кўрсайдим – барчада армон**
**Мен Тошкент деганимда.**

**Бир томонда яшнар даҳалар,**
**Қалбим тошар кезган лаҳзалар.**
**Гулзор дейман агар боқсалар,**
**Меъморига олқиш ҳамда шон**
**Мен Тошкент деганимда.**

**Бедор кутар тонгни Оқсарой,**
**Улашар бахт гўёки Ҳумой.**
**Борми ахир ундан қутлуғ жой,**
**Юрт бағрида юлдуз ҳар қачон**
**Мен Тошкент деганимда.**

**Тайёралар унсиз қолар жим,**
**Қушлар тинар сайроқдан бир зум.**
**Теваракка сокинлик ҳоким,**
**Шамоллар ҳам қилт этмас бир он**
**Мен Тошкент деганимда.**

**Зилзиланинг доғлари кетди,**
**Эски шаҳар янгидан битди.**
**Гўзалликда жаннатдан ўтди.**
**Ҳар гиёҳи сурмаи жонон**
**Мен Тошкент деганимда.**

**Саройлардан аримас ёр-дўст,**
**Таърифига топурманми сўз.**
**Мустақиллик – узук, улар – кўз,**
**“Истиқлол”у азим “Туркистон”**
**Мен Тошкент деганимда.**

**Ҳар бир кўприк камар мисоли,**
**Бундан ортиқ борми тимсоли?**
**Ўлчар бўй-басту камолин,**
**Ҳар қаричи минг битта имкон**
**Мен Тошкент деганимда.**

**Қучоғидай умрим беғубор,**
**Йиллар ўтар, йиллар бетакрор.**
**Жилмаяди Тошкент беозор,**
**Жилмаяди онам меҳрибон**
**Мен Тошкент деганимда.**

**Тошкент – кўзгу, аксланар жаҳон,**
**Тошкент дўстдир, эллар қадрдон.**
**Тошкент – мезбон, кутади меҳмон,**
**Қадри баланд, қадридир осмон**
**Мен Тошкент деганимда.**

### МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ

Бу майдондан ҳар куни ўтаман. Бу майдон Мустақиллик майдони дея аталишини етти ёшдан етмиш ёшгача билади. Бу майдондаги гуллар, майсалар шу қадар маъсум, покиза. Арчалару қарағайлар кўкка бўй чўзган. Мажнунтолларнинг гўзаллигини таърифлаш мушкул.

Бу майдон ажиб тантаналаримиз гувоҳи бўлган. Мустақилликнинг илк йилида унинг бағридан Наврўз шодиёналари кўкларга ҳаволади. Худди Ер шарига нур сочаётгандек Мустақиллик ёдгорлиги қад кўтарди. Президентимизнинг ташаббуси билан унинг пойига ўзбек онасининг ёрқин сиймосини акс эттирган аёл ҳайкали ўрнатилди. Ёдгорлик ва она ҳайкали уйғунликда “Мустақиллик ва эзгулик монументи” деб аталди.

Майдонга кираверишда Эзгулик аркаси бунёд этилди. Қанотларини кенг ёзиб турган оппоқ лайлакларни кўрган кишининг юраги бир қалқиб тушиши табиий. Сенат биноси ўзининг улуғворлиги билан майдонга алоҳида салобат, кўрк бахш этади. Фавворалар кўк сари отилганда Мустақиллик майдонининг таърифига сўз топиш қийин бўлади.

**Юрагимда уйғотар ғурур,**
**Бахш этади туганмас сурур.**
**Меҳр билан қоришиб кетган**
**Қоним жўшар келганим они,**
**Мустақиллик майдони.**

**Бир томонда куйлар фонтанлар,**
**Бир томонда кулар каштанлар.**
**Бир томонда кўкларга етган**
**Ёдгорликлар аро султони,**
**Мустақиллик майдони.**

**Бу ер юртим юраги десак,**
**Арзир шундай таърифлар битсак.**
**Гўзал бино кўпни лол этган,**
**Сенатдадир акси самони,**
**Мустақиллик майдони.**

**Арчазорлар таратганда бўй,**
**Фавворалар куйлаганда куй.**
**Теваракни оромлар тутган,**
**Ҳатто дерлар юртлар армони,**
**Мустақиллик майдони.**

**Майдонлар кўп, бағрида қуёш,**
**Барига шу макон эрур бош.**
**Шайдо бўлур бир бора ўтган,**
**Барчасига туташган жони,**
**Мустақиллик майдони.**

**Гуллар билан оромлар топган,**
**Ҳурлик билан иншолар топган,**
**Ҳар ғиштида орзулар қотган,**
**Ҳушёрликка чорлар инсонни,**
**Мустақиллик майдони.**

**Ҳар қадамда фахр, шукрлар,**
**Ўтган кунни қилиб фикрлар.**
**Эй, ҳамшаҳрим, ҳурликни тотган,**
**Белингни мен дейди дармони,**
**Мустақиллик майдони.**

**Шарафлайлик уни ҳамиша,**
**Майдонларга этайлик пеша.**
**Келмас бунга ғафлатда ётган,**
**Келганларнинг бутдир иймони,**
**Мустақиллик майдони.**

**Азиз маскан, мангу сен бор бўл,**
**Номинг қутлуғ, бизларга ёр бўл.**
**Занжирларни парчалаб отган –**
**У ҳамманинг уйғоқ виждони,**
**Мустақиллик майдони.**

### РАМЗЛАРИМ

Шаҳри Тошкентни гуллар шаҳри, диллар шаҳри, нон шаҳри, дўстлик шаҳри деб улуғлаймиз. Тошкент сиёсий, ижтимоий марказ бўлиши билан бирга ажойиб анъаналар шаҳридир. 1991 йилнинг 31 августида Президентимиз Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилганида, у илк бор Тошкент шаҳрида янгради, сўнгра бутун юртимизга таралди. Мустақил юртимизнинг Мадҳияси илк бор Тошкентда жаранглади. Гербимиз шу шаҳарда туғилди. Ҳозир БМТ олдида ҳилпираб турган байроғимиз шаҳримизда қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, Тошкентни Истиқлолимиз бешиги десак, асло хато қилмаган бўламиз.

#### *БАЙРОҚ*

**Айтар бўлсам сўзим қаймоғин,**
**Кўзингга сурт Ватан тупроғин.**
**Ўпгил муҳаббатинг бахш айлабон,**
**Ҳилпираган алвон байроғин.**

**У бор – ғанимлардан садо чиқмас,**
**У бор – юртдан қадди адо чиқмас,**
**Ўтда куймас, сувда чўкмайди,**
**Ҳур юрт жисмида жон байроғимиз.**

**Шу байроқ бизга номусу ор,**
**Шу байроқ эл аро чин ифтихор.**
**Ҳилпираши боққин, бирам дилдор,**
**Ҳавас ила кўрсин жаҳон байроғимиз.**

#### *МАДҲИЯ*

**Саҳар чоғи янграб самони,**
**Садоларга тўлдирар ҳар тонг.**
**Ғаним дилидан олиб сафони,**
**Дўстларни кулдирар ҳар тонг.**

**Ҳар сатрига такдир қоришиқ,**
**Оҳангига жон ипи кўприк.**
**Халқимнинг бўй-бастига ярашиқ,**
**Тинглагаймиз қоқмасдан киприк.**

**Боши узра ҳилпираб байроқ,**
**Жарангласа жонга солиб шаҳд.**
**Шоҳсупада масрур турароқ**
**Ватан Гимнин эшитмоқ, не бахт?!**

**Кел, куйлайлик, қалбларда қуёш,**
**Мадҳиямиз бизга иймон, жон,**
**Кел, куйлайлик, азиз ватандош:**
**“Олтин бу водийлар,**
**жон Ўзбекистон!”**

#### *ГЕРБ*

**Саволлар кўп асли ҳаётда,**
**Ўзлик деган ўзнинг маъноси,**
**Нима дея сўраган зотга**
**Жавоб берар юртим Туғроси.**

**Олий Мажлис айвонига боқ,**
**Гербни кўриб яшнайди кўзинг.**
**Яраклайди худди бир маёқ,**
**Бардам, тетик сезасан ўзинг.**

**Ҳумо қуши забтли, шиддаткор,**
**Эзгуликни этмоқда талқин.**
**Келажакни кўргандек бедор,**
**Кўзларида порлайди ёлқин.**

**Оқ пахталар оппоқ виждони,**
**Онажоним Ўзбекистонни.**
**Тилла буғдой бошоқларидир,**
**Юртдошларнинг насиба, нони.**

**Гулга тўла юрт лоласидек,**
**Суюклидир Гербимиз, ўртоқ!**
**Уни асра кўз қорасидек,**
**Асралгандек Қомус, Гимн, Байроқ!**

### ҚОМУСИМ

Эркин яшаш — ҳар бир инсоннинг орзусидир. Эркинлик кафолати — Конституциядир. Юртимиз Конституцияси — Бош Қомусимиз деб ардоқланади. Тошкент ана шу буюк китобга она бўлган шаҳар!

**Қўлимизда нурга йўғрилган,**
**Бахтимизнинг олтин китоби.**
**Кураш, ҳарбу зарбда туғилган,**
**Жон билан ёзилган ҳар боби.**

**Шу Қомус деб ота-боболар,**
**Жангда тўккан қизил қонини.**
**Эрк сочсин деб алвон зиёлар,**
**Фидо этди ширин жонини.**

**Шу Қомус деб халқим мардона,**
**Ошди қанча-қанчалаб довон.**
**Қомус эмас, жисм эрур жона,**
**Рўёб топган асрлик армон.**

**Озод яша, дея Юртбошим,**
**Тутди уни қўлларимизга.**
**Саодату иқбол қуёши,**
**Чараклади йўлларимизда.**

**Олам билсин бугун қандайин,**
**Бахту иқбол бизга ёрлигин!**
**Мустақиллик – сўнмас тонгдайин,**
**Абадиян барқарорлигин.**

### ОЙДИН КЎЧАЛАР

Амир Темур хиёбонига борганда, мустақиллигимиз билан бирга қайтган Соҳибқироннинг маҳобатли қиёфасига маҳлиё бўлади киши. Хиёбонга туташган кўчалардан одамлар жаҳонгир зиёратига ошиқиб келадилар. Шу кўчаларнинг бири Амир Темур номи билан аталади. Унинг чиройига чирой қўшиб турган биноларни санаб адо этолмайсиз. Кўча бошида дунёда қиёси йўқ Темурийлар тарихи Давлат музейи қад ростлаб турибди. Шу кўчада метронинг Минор, Ҳабиб Абдуллаев бекатлари бор. Юртбошимизнинг ташаббуси билан бунёд бўлган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи қатағон қурбонларига муносиб хотира бўлиб, барчамизни меҳру оқибатга, огоҳликка чорлаб турибди.

Амир Темур шоҳкўчаси 2200 ёшли шаҳримнинг кўркам кўчаларидан бири. Исми жисмига монанд, ҳаёт қайноқлигини ўзида мужассам этган кўча... Аслида ҳар бир кўчада ўзига хос файз, ўзига хос тарих бор.

**Шаҳрим кўчаларин кезаман,**
**Кафтдек текис йўллар чорлайди.**
**Нурдек йўлда ўзни сезаман,**
**Гўзалликлар гулдек порлайди.**

**Икки чети улкан бинолар,**
**Савлат тўкиб турар пурвиқор.**
**Ҳар бир ғиштда, ҳар иморатда,**
**Нақшланган ҳурлик сўзи бор.**

**Истиқлолнинг эсиб шамоли,**
**Она шаҳрим қад тутди қушод.**
**Бугун бўлди ойнинг тимсоли,**
**Кўчалар ҳам янгидан бунёд.**

**Тараққиёт бирининг номи,**
**Яна бириники Ифтихор.**
**Бунёдкордир яна биттаси,**
**Ўзгаси Ражабийдан ёдгор.**

**Қорасарой, Сағбондан ўтинг,**
**Очган бугун ўзгача жамол.**
**Севинчингиз оламни тутиб,**
**Курувчига тилайсиз камол.**

**Шоҳкўчалар кенг, равон, қаранг,**
**Ўн саккиз йил шарофати бу.**
**Юртбошимнинг буюк меҳридан,**
**Шаҳрим топган саодати бу.**

**Юрагингиз тошади шу он,**
**Хиргойини бошлайсиз шодон**
**«Кўчалар, кўчалар, ойдин кўчалар,**
**Бунчалар гўзалсиз қайдин кўчалар».**

**Шаҳрим, кўчаларинг кезаман,**
**Чиройингдан кўзим қувнайди.**
**Жаннат аро ўзни сезаман,**
**Ҳар кўчангда шодлик ўйнайди.**

**Шаҳрим, бағринг диловар ўктам,**
**Аримасин бағрингдан кўклам.**
**Кўчалардан бошланган баҳор —**
**Тароватн мангу бўлсин ёр.**

### БИЛЛУР КЎПРИКЛАР

Ҳаёт бир текисда давом этадиган неъмат эмас. Унинг паст-баландликлари, ўйдим-чуқурликлари бор. Йўл борки, унда қайрилишлар, кўприк ёрдамида ўтиладиган манзиллар кўп.

Ўн саккиз йил аввалги ва бугунги Тошкентни қиёслаган одам бунга амин бўлади. Авваллари Қўштутга олиб борадиган кўчани эслайсизми? То Эски Жувага боргунча неча марта лой сачраб, неча марта сувга ботиларди. Форобий, Қорасарой кўчаларида ҳам аҳвол шу эди. Бугун тўппа-тўғри кафтдек текис бу кўчалардан одам ҳавасга юради. Бир отахон замонамизга шукрона келтириб: “Авваллари кўчага чиқиб қарасам, қўшнимнинг томини кўрардим. Ҳозир уйимдан Сағбон бекати кўринади-я”, деганди. Бунёдкорликка берилган ўзига хос баҳо, бу.

Кўчалар кўприклар билан обод, кўркам. Юнусобод даҳасидаги, Сергели туманидаги, Чилонзор буюм бозоридаги, “Тошкент” автошоҳбекатидаги, Бунёдкор шоҳкўчасидаги, қўйингки, кўприклар, ерости йўлларигача замонавий шаҳарсозликнинг энг гўзал намуналаридандир. Ҳали кўплаб кўчалар бунёд этилади, ҳали кўплаб кўприклар тикланади, албатта...

**Кўприклар шаҳримнинг белбоғи,**
**Яқин қилар йўлнинг узоғин.**
**Айланмайсиз бўлганча хуноб,**
**Икки қадам этсангиз шитоб,**
**Манзил сари етиб турибсиз.**
**Машаққатни йитиб турибсиз.**
**Машиналар елар ботма-бот,**
**Кўприк шундай зарур иншоот.**
**Нью-Йоркка келарди ҳавас,**
**Парижни мақтардик басма-бас.**
**Ажойибот жуда кўп эди,**
**Ром этганди Сеул кўприги.**
**Бугун бизга қилади ҳавас**
**Олам аҳли келиб басма-бас,**
**Шаҳаримдан узолмас нигоҳ.**
**Ишонмаса – кўприклар гувоҳ,**
**Қурилмаган, ҳа кўз-кўз учун.**
**Бу кўприклар азиз биз учун,**
**Бугунни эртага боғладик,**
**Келажакка ўзни чоғладик.**
**Йўллар чорлар, йўллар югурик,**
**Уни тутиб туради кўприк.**
**Айтаверсак тугамас достон,**
**Кўприк мадҳи ажибдир ростдан.**
**Халқим дейди: йўл қурган киши,**
**Кўприк солганга эл олқиши.**
**Осон этса кўпнинг мушкулин,**
**Жаннат сари очилмиш йўли.**
**Бугун улуғ кўприкда туриб,**
**Теваракни завқ билан кўриб,**
**Ҳар бир инсон айтади раҳмат,**
**Эй қурувчи, чекканинг заҳмат.**
**Ободонлик бахш этди юртга,**
**Кам бўлмас шу касб этагин тутган.**

### ИФТИХОР САТРЛАРИ

**Сенинг кўчаларинг кезмаган кимса,**
**Нурга йўғрилганинг сезмаган кимса,**
**Боғингдан битта гул узмаган кимса,**
**Қадрингни сезарми, онажон Тошкент?**
**Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент!**

**Йиллар ўтаверар, боқий турибсан,**
**Не-не синоатлар, сирлар кўрибсан.**
**Бугун мустақиллик**
**даврин суриб сан,**
**«Мустақиллик» бўлди зўр**
**нишон Тошкент,**
**Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент!**

**Карвон қўнғироғин ширин сасини,**
**Қанча ҳарбларнинг жарангосини,**
**Яхшилар куйлаган юрак розини –**
**Эшитган енгилмас қаҳрамон Тошкент,**
**Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент!**

**Чиғатой, Самарқанд дарвозани ҳам,**
**Гоҳ ширин, гоҳ аччиқ овозани ҳам,**
**Зилзила забтига олган ўшал дам,**
**Қаддингни букмадинг**
**эломон Тошкент,**
**Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент!**

**Куйларим ўзимдай содда, бепардоз,**
**Ва лекин қалбимдан**
**қайнагани рост.**
**Жисмимни илҳомга**
**боғлаб басма-бас,**
**Етмиш томиримда оққан қон Тошкент,**
**Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент!**

**Буюк Ипак йўли дўстлик йўлидир,**
**Дўстлик — Тошкентимнинг**
**асл гулидир.**
**Яшнатган заҳматкаш инсон қўлидир,**
**Ҳар келган меҳмонга тутган**
**нон Тошкент,**
**Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент!**

**Икки минг икки юз сенга нима гап,**
**Йиллар ўтаверсин**
**бошингдан саф-саф.**
**Темур ҳам энг сара**
**сўзларни сайлаб,**
**Тузсин ашъоридан бир**
**девон Тошкент,**
**Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент!**

**Кўрма ҳеч залолат, абад гулшан бўл,**
**Ҳатто остонаси наргис гулдан бўл.**
**Уммондай мавж ургин, шижоатга тўл,**
**Юртбошим чорлайди мард**
**сарбон Тошкент,**
**Дунё тургунча тур, бўл омон Тошкент,**
**Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент!**

**Темур УБАЙДУЛЛО,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

# ТОШКЕНТ — МИЛЛАТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК ЭТАЛОНИ

**Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида «Тошкентнинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш ва хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришдаги ўрни» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Тадбир бевосита Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди. Унда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари, чет давлатларнинг дипломатик корпуслари, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар жамиятлари, турли миллат ва элатларга мансуб миллий-маданий марказлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан кўп томонлама алоқаларида азим пойтахтимиз Тошкент шаҳри муҳим ўрин тутади. У нафақат фан, таълим, маданият, саноат маркази, балки тинчлик ва дўстлик рамзи сифатида ҳам дунёга кенг танилган. Мустақиллик йиллари давомида кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкентнинг чиройи, дунё миқёсидаги нуфузи ва обрў-эътибори янада ошмоқда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини кенг нишонлаш тўғрисида ЮНЕСКО Бош Конференциясининг қарори қабул қилингани пойтахтимизнинг нафақат жаҳон цивилизацияси, балки бугунги кун халқаро муносабатлар ривожида ҳам муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

Шунингдек, Тошкент ислом дини ва маданияти ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган шаҳарлардан ҳисобланади. Нуфузли халқаро ташкилот — Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси — ISESCO (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам ана шундай юксак эътирофнинг тасдиғидир.

Анжуманда пойтахтимизнинг тарихи, бу ерда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, дунё мамлакатлари ҳамда шаҳарлари билан дўстлик алоқалари ҳақида кўзга кўринган олимлар, мутахассислар маъруза қилдилар.Шунингдек, мамлакатимизда яшаб келаётган турли миллат ва элат вакиллари, республикамизда фаолият юритаётган чет давлатларининг элчихоналари вакиллари чиқишлар қилиб, Ўзбекистон, жумладан Тошкент шаҳри яқин ўтмишда юз берган қийинчилик вақтлари уларни ўз бағрига олгани, нон, жой бериб меҳрибонлик кўрсатгани, бугун ҳам бу ўлка миллатлараро ва динлараро бағрикенглик борасида дунёда танҳо экани ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Жумладан, корейс миллати вакили Зоя Цой Ватан ҳақида қўшиқ куйлаб, шундай дейди:

**Бизларга муқаддас шу Ватан керак,**
**Бизларга муқаддас тинч Ватан керак.**
**Сўрасангиз миллатим асли корейс қизиман,**
**Ўзбекистон осмонида мен кичик юлдузиман.**

Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Солтан Пирмуҳамедов ҳам мамлакатимизда, хусусан Тошкент шаҳрида ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ҳақида тўхталиб шундай дейди: «Ўзбекистоннинг шон-шуҳрати ўз буюк раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида дунё бўйлаб кундан-кунга тобора ортиб бораётгани нафақат ўзбекистонликларни, балки бизларни ҳам жуда қувонтиради. Айниқса Ўзбекистон — Туркманистон маданий-маърифий алоқалари охирги йилларда тобора равнақ топиб бораётгани қувонарли ҳолдир». Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Игорс Апокинс ҳам мазкур тадбирда иштирок этиб, «Мен бу гўзал ўлкада кўп бўлганман. Мен бу ерда амалга оширилаётган ўзгаришлар, янгиланишлардан ҳайратдаман. Бунда Юртбошингиз Ислом Каримовнинг ўз атрофида барча фуқароларни жипслаб, бир тан бир жон эта олаётгани айниқса аҳамиятлидир. Азим Тошкент ҳам борган сари ўз қиёфасини ўзгартириб, бутунлай янгича шакл, мазмун ва манзара касб этиб бормоқда». Анжуман иштирокчиси асли сириялик Муҳаммад ал-Бухорий Ўзбекистонда ҳукм сураётган тотувлик ва ҳамжиҳатликдан ҳайратда эканини билдириб шундай дейди: «Тошкент тинчлик, дўстлик ва барқарорлик шаҳридир. У шундай бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажак».

Тадбир давомида Тошкент шаҳрининг тарихи ва бугунги куни акс эттирилган фотосуратлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Анжуман сўнгида юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ижросида Ватанни, дўстлик ва бағрикенгликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Мазкур тадбир қадимий ва навқирон шаҳар тарихини ўрганишда кўпмиллатли халқимизни, айниқса, улғайиб бораётган ёш авлодни меҳр-оқибат, бағрикенглик, ватанпарварлик, жонажон юртимизга муҳаббат, халқимиз тарихи ва анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Санъат масканларида

# ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, ақлан етук, жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида кенг доирадаги тадбирларини давом эттириб келмоқда.**



Маълумки, жамғарма томонидан халқимиз меҳрига сазовор бўлган буюк рассомлар асарлари бўйича қатор кўргазмалар ташкил этиб келинмоқда. Истеъдодли ёшлар ўртасида расмлар бўйича кўрик-танловлар ва кўргазмалар ўтказиш, айниқса ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий-маърифий даражасини юксалтириш, болаларнинг дунёқарашини шакллантириш, Ватанга садоқатли, меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялаш жамғарманинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жумладан, Истиқлолимизнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги шодиёналари олдидан жамғарма томонидан Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида санъат оламига эндигина қадам қўяётган ёш рассомлар Шуҳрат Рихсибаев ҳамда Акбар Мирзаакрамовларнинг илк шахсий кўргазмалари ўтказилди. Шуҳрат Рихсибаев шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 27-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, шу билан бирга 1-тасвирий санъат мактабида рассомчиликдан сабоқ олмоқда. У ҳозирга қадар ёшлар ўртасида ўтказиб келинаётган тасвирий санъат йўналишидаги кўплаб танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Кўргазмадан унинг она Ватан, гўзал Тошкентимиз ҳамда табиат манзаралари акс этган кўплаб асарлари ўрин олган.

Акбар Мирзаакрамов эса ҳозирги кунда шаҳримиздаги 110-мактабнинг 3-синф ўқувчиси. Акбар Ўзбекистон халқ рассоми Қутлуғ Башаровнинг невараси, Лайло Башарованинг ўғли. Хуллас ижодкорлар оиласида вояга етиб, уларнинг изидан бормоқда. У 2008 йилда «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан ўтказилган «Ер куррасида тинчлик» республика расмлар кўрик-танлови ғолиби, 2009 йилги мазкур танловнинг олий даражали диплом соҳибидир.

— Мен ёшлигимдан рассомчиликка қизиқаман, — дейди Шуҳрат Рихсибаев. — Она табиат манзараларини, гўзал Ватанимиз, жонажон шаҳримиз Тошкентнинг кўчалари, тарихий обидалари, кўркам биноларини, боғларини тасвирлашга ҳаракат қиламан. Ниятим, таниқли рассомлар ижодини ўрганиб, улар каби бетакрор, гўзал асарлар яратишдан иборат.

—Ушбу кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад, болаларнинг санъат ва маданиятга бўлган қизиқишларини янада ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг тасвирий санъатга ва бадиий ижодга бўлган қизиқиш ва эътиборини мустаҳкамлашдан иборат, — дейди «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Маҳбуба Маҳкамбоева.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Мустақиллик барчамизга, айниқса ёш авлодга озод ва обод Ватаннинг фидойи фарзандлари бўлишдек шарафли вазифани юклади. Жажжигина қалбида Ватан мадҳини жо қилган бу икки ёш ижодкор ҳам ўзлари яратган асарлари билан халқимизга чинакам байрамона кайфият улашмоқда дейиш мумкин.

**Дилором ИКРОМОВА**



**СУРАТЛАРДА: ёш ижодкорларнинг кўргазмаларидан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## Август кенгашлари

# ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

**Бугунги кунда пойтахтимизнинг барча мактабларида ва мактабгача таълим муассасаларида август Кенгашлари бўлиб ўтмоқда.**



Яқинда Ҳамза туманидаги 141-мактабгача таълим муассасасида ҳам «Мактабгача таълим муассасаси педагогларининг маҳорати ва касбий салоҳиятларини оширишда ижодий ва ривожлантирувчи муҳитнинг ўрни» мавзусида шаҳар МТМ ходимларининг август анжумани ўтказилди.

Анжуманда туман халқ таълими бўлими бошлиғи А.Собиров сўзга чиқиб, бугунги кунда туманда мавжуд МТМлар фаолияти, уларда амалга оширилаётган ишлар, раҳбар ходимларнинг ўзаро алоқалари, тарбиячи педагогларнинг бурчи ва масъулияти ҳақида тўхталиб ўтди. Тадбирда бу йилги «Обод боғчам — кўркам боғчам» кўрик-танловида 141-МТМ жамоаси ғолиб деб топилганлиги қайд этилди.

Анжуман қатнашчилари ушбу МТМнинг фаолияти билан яқиндан танишишди. Бундан ташқари кўплаб МТМлар ўзларининг фаолияти акс этган кўргазмали қуролларни видео тасвирлар орқали йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди.

Август Кенгаши иштирокчилари ўз чиқишларида педагогларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, касбий фаолиятини ошириш, болаларни шахс сифатида ҳар томонлама етук, баркамол инсон бўлиб шаклланишига кўмак бериш, ота-оналар билан ишлашнинг инновацион усулларидан унумли фойдаланишнинг сир-синоатларини ифода этишди.

— Бундай юксак натижага эришишимизда биз билан доимо елкадош бўлиб фаолият олиб бораётган педагог-тарбиячиларимизнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳозирда 22 нафар педагог ходимларимиз 240 нафар болаларга билим ва тарбия бериб келишмоқда. Уларга турли спорт майдончаларидан мунтазам равишда фойдаланишлари учун барча имкониятлар яратилган. Шунингдек таълим масканида турли хил экологик ҳудудларни ташкил қилганмиз. Бундан кўзланган асосий мақсад, болаларнинг табиатга бўлган меҳрини шакллантириш, унинг қадрига етиш, турли зарарли нарсаларни атроф-муҳитга ташламасликни болалар онгига сингдиришдан иборат, — дейди 141-МТМ мудираси Гулнора Мадаминова.

Тадбир сўнггида ғолиб бўлган анжуман иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ**

**СУРАТДА: анжумандан лавҳа**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент ш. ИИББ Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: **1.** "Мерседес Бенц-240Е" русумли, д/р 30X2203 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро хужжати 30.03.2009й, №1-140/2009). Бошланғич баҳоси – 69 627 415 сўм. **2.** "Матиз" русумли, д/р 30S9245 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси (05.06.2009й, "1-730/2009). Бошланғич баҳоси – 16 416 000 сўм. **3.** "ВАЗ-21074" русумли, д/р 11X7404 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 09.07.2009й, №1-593/2009). Бошланғич баҳоси – 10 577 560 сўм. **4.** "ГАЗ-31029" русумли, д/р 10R7744 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 14.04.2009й, №1-250/2009). Бошланғич баҳоси – 3 640 528 сўм. **5.** "ГАЗ-24" русумли, д/р 30D5089 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.06.2009й, №1-427). Бошланғич баҳоси – 644 442 сўм. **6.** "ГАЗ-2401" русумли, д/р 11R0114 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.06.2009й, №1-427). Бошланғич баҳоси – 642 539 сўм. **7.** "ГАЗ-2401" русумли, д/р 10S5979 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.06.2009й, №1-427). Бошланғич баҳоси – 642 539 сўм.

**Аукцион савдоси 2009 йил 29 сентябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2009 йил 29 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 20 октябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишингиз мумкин.

**Шунингдек 2009 йил 15 сентябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран арзонлаштирилган нархда қуйидагилар қўйилмоқда:**

**I.** Миробод туман СИБ томонидан: — Тошкент ш. ИИББ Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган; **1.** "Нексия" русумли, д/р 18M4071 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 06.10.2008й, №1-1050-2008). Бошланғич баҳоси – 9 126 615 сўм. **2.** "Ниссан Максима" русумли, д/р 22L7707 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 20.08.2007й, №ЖСК-1-415/2007). Бошланғич баҳоси – 26 572 050 сўм. **3.** "ГАЗ-2401" русумли, д/р 11U0438 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 29.04.2008й, №1-153/2008). Бошланғич баҳоси – 251 100 сўм. **4.** "ГАЗ-2417" русумли, д/р 10T4129 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 29.04.2008й, №1-153/2008). Бошланғич баҳоси – 251 100 сўм. **5.** "Опел Кадетт" русумли, д/р 11T5499 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 14.11.2008й, №23/08). Бошланғич баҳоси – 2 896 050 сўм. **5.** "ВАЗ-2107" русумли, д/р 30Y0773 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 03.11.2008й.). Бошланғич баҳоси – 7 379 593 сўм. **6.** "Форд Эскорд" русумли, д/р 30D0743 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.12.2008й, №ЖСК-1-1032/08). Бошланғич баҳоси – 4 686 365 сўм. **7.** "БМВ-318" русумли, д/р 30Q7849 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро хужжати 16.12.2008й, №1-760/2008). Бошланғич баҳоси – 14 580 000 сўм. **8.** "Матиз" русумли, д/р 30S1683 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 06.10.2008й, №1-416/08). Бошланғич баҳоси – 7 036 847 сўм. **9.** "ТИКО" русумли, д/р 10P2214 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро хужжати 05.03.2009й, №1-465/09). Бошланғич баҳоси – 5 648 229 сўм. **10.** "ЕРАЗ" русумли, д/р 11I0636 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 10.12.2008й, №1-1324). Бошланғич баҳоси – 745 708 сўм. **11.** "ВАЗ-2107" русумли, д/р 30J7844 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 27.03.2009й). Бошланғич баҳоси – 2 569 896 сўм. **12.** "ВАЗ-2107" русумли, д/р 10AZ265 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро хужжати 02.02.2007й, №1-71/2007. Бошланғич баҳоси – 7 101 000 сўм. **13.** "ВАЗ-21033" русумли, д/р 30Z2623 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 19.01.2009й, №1-45/2009). Бошланғич баҳоси – 2 934 000 сўм. **14.** "Шевролет Оптра" русумли, д/р M89-64 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 13.01.2009й). Бошланғич баҳоси – 24 564 635 сўм. **15.** "ВАЗ-2106" русумли, д/р 30R9290 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро хужжати 15.05.2009й). Бошланғич баҳоси – 3 684 031сўм. **16.** "ВАЗ-2107" русумли, д/р 30W8334 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.03.2008й, №1-280/2009). Бошланғич баҳоси – 4 109 720 сўм. - Тошкент ш. Божхона бошқармаси 11-масканида сақланаётган; **17.** "Митцубиси-3000" русумли, д/р 10H0933 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 18.02.2008й, №1-983/2008). Бошланғич баҳоси – 14 696 100 сўм. **18.** "Кадиллак" русумли, д/рсиз, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 11.03.2008й, №1-975). Бошланғич баҳоси – 3 674 160 сўм. **19.** "Жип Ленд Ровер" русумли, д/рсиз, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 13.12.2007й, №1-22521/2007). Бошланғич баҳоси – 22 044 960 сўм. **20.** "ГАЗ-2411" русумли, д/р 10AL653 бўлган, 1991 йилда и/ч, Тошкент вилоят ҳокимлиги гаражида сақланаётган, автотранспорт воситаси (03.03.2006й, №10-0619/2666). Бошланғич баҳоси – 1 277 979 сўм. **21.** "SERVIS AGRO" МЧЖга тегишли бўлган Миробод тумани, Миршоҳ кўчаси, 10-уй, 3-хонада сақланаётган, "ЭЦВ-80" русумли 2 дона насос (ижро хужжати 21.08.2007й, №10-071/710). Бошланғич баҳоси – 1 384 200 сўм.

**II.** Яккасарой тумани СИБ томонидан: **1.** "Volkswagen Beetle" русумли, д/р 30Q1979 бўлган, 2002 йилда и/ч, Тошкент ш. ИИББ ЙХХБга қарашли 8-сонли жарима майдончасида сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.12.2007й, №1-760/2007). Бошланғич баҳоси – 13 577 311,53 сўм. **2.** "Дамас" русумли, д/р 10AQ906 бўлган, 2005 йилда и/ч, С.Раҳимов тумани, Себзор жарима майдончасида сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.12.2008й, №1137/2008). Бошланғич баҳоси – 8 126 636,40 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва ускуна билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 %дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

**СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДАГИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Оператор томонидан келгусида бевосита Собир Раҳимов ТЭТ электр тармоқларига уланган истеъмолчиларга етказиб бериш учун бўлиниш ҳисоби чегараларида электр энергиясини олиш мақсадида «Ўзбекэнерго» ДАК «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» ОАЖ ва хусусий оператор («Komplekt Energya»ШК) ўртасида тузилган шартноманинг 2009 йил 1 сентябрдан амал қилиши тўхтайди.

2009 йил 1 сентябрдан электр энергиясини сотиш, берилган электр энергияси бўйича тўловларни йиғиш ва Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги абонентлар билан бирга ҳисоб-китоблар «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» ОАЖ томонидан амалга оширилади.


# Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

**"АЛПОМИШ" ДОСТОНИДАН**

Давлат кўнса бир чибиннинг
бошига,
Семурғ қушлар салом
берар қошига.

* * *

Хазон бўлса, боғда
гуллар сўлмайми?

* * *

Хўжа келса, чиқар мурид назири,
Хотин бўлмасмикан эрнинг вазири?!
Эр деганнинг ақлин олмас бўлурми,
Алдаб-сулдаб йўлга
солмас бўлурму.

* * *

Бир нечалар ўз ҳолидан бехабар.

* * *

Чечанлар эплайди гапнинг эпини.

* * *

Ошиқнинг фаҳмидир қоронғи кеча.

* * *

От чопса, гумбурлар
тоғнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси.

* * *

Гуноҳкорга солмоқ даркор зулмни.

* * *

То ўлганча сўйлаб қолган тил бўлсин.

* * *

Ёмон бўлсанг, сен имонсиз ўласан.

* * *

Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами,
Қарчиғай қарғага емтик берами?

* * *

Майдон бўлмай, бедов
отлар чопилмас.

* * *

Ғарибликда бўлармикан кўнгил тўқ.

* * *

Бир нечук номардга
кўнгил бермагин,
Нодон кўнглинг ҳар
хаёлга бўлмагин.

* * *

Ёмонни йўлатма отнинг қошига.

* * *

Ёринг билан бўлсин элда суҳбатинг.

* * *

Ўлмаган дунёнинг ишин кўради.

* * *

Бемаҳал борган меҳмоннинг
иззати, обрўйи бўлмайди.

* * *

Бесабрдан давлат қочар,
Давлат эшигин сабр очар.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

Чилонзор тиббиёт коллежи маъмурияти ҳамда жамоаси коллежда узоқ йиллар давомида меҳнат қилиб келган моҳир педагог
**Амир ДЕҲҚОНОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Навбатчи муҳаррир — ...

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2862 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Буюртма Г- 706

Топширилган вақти: 16.40